(? - 1605),
(1601-1605)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. Шайбонийлар сулоласининг сўнгги вакили Пирмухаммадхон (1598-1601) 1599-йилда Бокимухаммадни алохида хизматлари учун Самарканд хокими этиб тайинлаган. Шундай бўлсада у тез орада ўз мавкеини мустахкамлаб олиб, Пирмухаммадхонга итоат этмай кўйган ва хатто унга карши урушга хозирлик кўра бошлаган. 1601-йил уюнда Пирмухаммадхон Самарканд якинидаги Боги Шамол деган жойда Бокимухаммад билан жанг килиб, маглубиятга учраган. Сўнг, Бокимухаммад Бухорога кириб, хонлик тахтини эгаллаган. Шу тарика Бухорода янги сулола – “Аштархонийлар” хукмронлиги бошланган.
Бокимухаммад ўз хукмронлиги даврида хонлик худуди яхлитлиги саклаб колиш ўзига кадар ўтган хонлар кўлидан чикарган ерларни душмандан кайтариб олиш максадида кўплаб урушлар килган. Абдуллахон ИИ ўлимидан сўнг туркманлар ёрдамида Бухорога бўйсунмаслик йўлини тутган Хоразм масаласини Тинч йўл билан хал этди. Чунончи, Бокимухаммад Балх тахтига даъво килиб исён кўтарган (1601 феврал) аштархоний шахзодалар- Аббос султон ва Рахмонкули султонларни маглуб этган (1602-йил бахор) ва Балхга ўз укаси Валимухаммадни хоким этиб тайинлаган. Эрон шохи Аббос И Балхни босиб олиш, сўнгра Бокимухаммадни тахтдан агдариб, унинг ўрнига Шайбонийлардан Мухаммад Салим султонни ўтказиш ва бу билан Бухоро хонлигида Аштархонийлар хукмронлигига чек кўйиш максадида катта кўшин билан юриш килганда, Бокимухаммад Амударё бўйидаги Пули Хатаба деган жойда унга пешвоз чикиб(1602-йил июл), Эрон кўшинини бутунлкай тор-мор келтирган. Шох Аббос И эса колган-кутган аскарлари билан аранг кочиб кутулган. 1603-йил 25-мартда Бокимухаммад темурийлардан Кобул хокими Мухаммад Хаким бадиуззамон босиб олган Кундуз шахрини уч ой камал килгач, яна кайта кўлга киритган. Бокимухаммад эндиликда Хуросонда хам Бухоро хокимиятини Тиклаш максади йўлида харакат кила бошлади. Хуросон юриши 1604-йилга мўлжалланган эди.Аммо, 1604-йилда Козок хони Келдимухаммаднинг кўшинини бухоро худудидан хайдаб чикара олди. Бунинг учун эса анча вакт зарур бўлди. Бунинг устига Бокимухаммадхон 1605-йилда вафот этди.
Бокимухаммад мамлакатни идора килиш тизими ва соликларни тартибга солиш, кўшинни кайта ташкил килиш каби катор ислохатлар ўтказган, савдо-сотик, хунармандчилик, ободончилик ишларига катта эътибор берган.